



Буюк Рус давлатчилигини тарғиб қилаётган миллатчиларига ёкмаса ҳам, Мономах калпоги аслида Ўрта осийликларнинг бош қийими эканига янги ҳужжат-далиллар топилди. Бундан ташқари, Москва давлатчилигининг салтанат рамзи сифатида наслдан-наслга ўтувчи бу регалия Олтин Ўрданинг Буюк хони Ўзбекхоннинг Юрий Данилович ёки Иван Калитага (Москва князлари) тортиқ қилган инъоми экани ҳақида янги маълумотлар ҳам чиқди. Ўша вақтлар Ўзбекхон Москвалик князларга хомийлик қилар эди. Тадқиқотчилар яна бир бор Мономах калпоги шарқлик усталар тарафидан тайёрланганини исботлаб беришди.

Бу калпокка ном бўлган Мономах исми қаердан олинган? Иван III даврида Москов давлатчилиги Ўрдан Византия томон бурилганидан кейин калпокка ҳам "Москва - учинчи Рим" концепцияси доирасида янгича мазмун бағишланди. Факат, 1518 йилда унинг келиб чиқишига расмий талқин пайдо бўлди («Сказание о князьях Владимирских»). Гўёки бу византиялик император Константин IX Мономахнинг ўз невараси, Киев князи Владимир Всеволодович Мономахга берган совғаси эмиш. Яъни, Византия императорлари салтанатининг рус ҳукмдорларига мерос бўлиб ўтишининг рамзи эмиш. Ҳақиқатда эса бу калпоқнинг келиб чиқиши жуда шубҳалидир, чунки Константин 1055

## Мономах калпоги аслида Бухоро дўпписи бўлган

Муаллиф:

05.01.2016 15:09 - Янгиланди 05.01.2016 15:11

---

йили вафот килганида Владимирнинг ёши иккида бўлган. Бобоси невараси борлигини билмаган бўлиши ҳамда неваранинг Киевда салтанат бошига келишини билиши мумкин эмас эди. Бундан ташқари, Византия ҳам йўқ бўлиб кетиши кўзда тутилмаган эди. Санъатшунослик нуктаи назаридан ҳам олиб каралса, Византияда бу каби бош кийимлар урфда бўлмаган, яъни бундай калпоқлар бўлмаган.

Шундай қилиб, Рус подшоҳларининг тожи сифатида кўриладиган бу зар билан тикиб, безатилган дўппи 99 фоизга Олтин Ўрданинг буюк хони Ўзбекхоннинг ўзи хомийлик қилаётган Иван I га берган инъоми бўлиб чиқмоқда. Сўнг, подшоҳликка айланган Москва хонлигида бу дўппи "Мономах калпоги"га айлантирилган. "Бухоронинг тилло зарларидан тайёрланган дўпписига Иван I Калита сувсар мўйнаси кўштириб, қимматбаҳо чакноқ тошлар ҳамда тепасига Москва хокимияти рамзи ҳисобланган хочни ҳам ўрнатиб қўйишга буйруқ беради. Шундай қилиб, давлатчиликни акс эттирадиган жуда чиройли "тож" пайдо бўлади. Бу тож Буюк Москва князларига қийдирилган, сўнг бу анъана Москва подшоҳлигига ҳам ўтган. Шундай қилиб, қўлбола тож Московия хокимиятининг асосий рамзига айланиб қолган...

Айтмоқчи, Олтин Ўрданинг хони ўзига қарам ва тобе бўлган князга Ўрдага таҳдид солиши мумкин бўлган православ эътиқодидагиларни тобеликда ушлаб туриш учун берилган тортқ, совга эди.

Бу тарихий воқеа ҳақиқатан ҳам ажойиб ва рамзий бир маъно касб этади. Рамзийлиги шундаки, Москва князлари Ўрта Осиё дўпписини Москванинг ҳукмдорлик атрибутига айлантириб олгани каби давлатчилигини ҳам Олтин Ўрдадан мерос қилиб олган бўлиб чиқади (расман россияликлар Москва давлатчилиги қадимги Киев Русидан бошланади, десалар ҳам... бироқ бу алоҳида мавзу).

Интернет маълумотлари асосида  
Абу Муслим тайёрлади